ЭЪЗОЗГА ЛОЙИҚ УСТОЗ



Ҳар бир инсонга таърифу тавсиф бериш чоғида унинг жамиятга келтирган фойдаси, мамлакат равнақи учун қилган ишлари, инсонларга келтирган нафи, устоз сифатида тайёрлаган шогирдлари, дўстлар даврасида ўз ўрнига эга эканлиги, оилага содиқлиги, фарзандларга меҳри хусусида тўхтаб ўтилади.

Тўхтасин ака Насриддинов ҳам ҳаётнинг барча жабҳаларида эътиборга, ҳурматга сазовор бўлиб келаётган инсонлардандир.

Т.Насриддинов 1939 йил Избоскан туманида таваллуд топган. Ўрта мактабни битириб, 1959 йилда ўқиш истагида Андижон давлат педагогика институти кимё-биология факультетига ҳужжат топширган ва ўқишни битиргач, 1964-1966 йилларда 2 йил Избоскан туманидаги мактабда ишлаганини ҳисобга олмаганда қарийб 50 йилдан буён ўзи ўқиган даргоҳда фаолият кўрсатиб келмоқда.

1966 йилдан кимё кафедрасида катта лаборант, 1971 йилдан катта ўқитувчи, 1976 йилдан доцент, 6 йил биология факультетининг жамоатчилик асосида декан муовини, 1989 йилдан кимё факультети декан муовини, 1992 йилдан физик ва аналитик кимё кафедраси мудири, 1995 йилдан кимё факультети декани, 1998 йилдан маънавият ва маърифат ишлари бўйича 1-проректор лавозимларида ишлаб, 2007 йилдан университет ахборот ресурс Маркази директори вазифасини бажариб келмоқда.

Тўхтасин Юсупович кимё фанлари доктори, профессор А.Г.Махсумов раҳбарлигида 1971 йилда кимё фанининг энг долзарб соҳаси бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. У Республикада биринчилардан бўлиб элемент органик бирикмалар синфига мансуб ферроценнинг пропоргилли ҳосилаларини синтез қилиш, уларнинг кимёвий хоссаларини ўрганиш ва амалиётга тадбиқ қилиш бўйича тадқиқот олиб борган ва кўплаб синтез қилинган моддалар бензиннинг детонацияга турғунлигини оширишда амалиётда қўлланаётган ўхшаш моддалардан афзал ва экологик тозалиги билан ажралиб туришини исбот қилган. Тажриба натижалари асосида 12 та ихтирочилик гувоҳномалари олинган.

“Химия ўқитишда меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси” методик қўлланмасидан республикамиз олий ўқув юртларида кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, кимё фанига оид нуфузли журнал ва тўпламларда 30 дан ортиқ мақолалари эълон қилинган.

Ҳозирда университет ахборот ресурс маркази директори сифатида марказни ахборот технологиялари билан таъминлашда, янги техник воситалар билан жиҳозлашда, электрон дарсликлар, мультимедиялар ва улардан бакалавр, магистрларнинг фойдаланишларида катта ишларни амалга оширмоқда. Хизмат кўрсатишда ҳам юксак муомала маданиятига эришилгани, ўқув заллари, илмий қироатхоналардаги шароитлар барчани хурсанд қилмоқда.

Қўрғонтепа туманидаги 5 та қишлоқ фуқаролар йиғинларида жойлашган университет Ахборот ресурс марказларининг филиалларида ҳам аҳолининг китоб ўқишга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида Т.Насриддинов катта ишларни амалга оширмоқда. Қишлоқ жойларида маърифат, билим тарқатиш, фуқароларнинг маънавий савиясини ошириш, уларни компьютер саводхонлиги билан таъминлашда Тўхтасин ака бош-қош бўлиб келмоқда. Шу билан бирга Андижон шаҳридаги маънавият тарғибот Марказида ҳам амалга оширилаётган ишларда Т.Насриддиновнинг ҳиссаси катта.

Т.Насриддинов тажрибалари ва ўқув-таълимий соҳадаги АРМ эришаётган ютуқларга асосланиб, Корея республикасининг KOICA халқаро ҳамкорлик ташкилотининг 50000 АҚШ долларлик шартномасига асосан АРМ фаолиятида ўқув адабиётлари, уларнинг электрон дарсликлари яратилади.

Бугун 70 ёшни орқалаб турган Тўхтасин ака Насриддиновдаги шижоат ва ташаббускорлик 80-90 ва 100 ёшда ҳам сўнмаслигини, адолат ва ҳалоллик йўлидаги инжиқликлари устозга янада катта ҳурмат олиб келишини, шогирдлари даврасы йилдан йилга кенгайиб боришини, бунинг учун эса Устоз соғ ва омон бўлишини тилаб қоламиз

Абдулҳамид НУРМОНОВ, профессор;
Маъмуржон САИДХОНОВ, доцент.